

Қува туманидаги хотин-қизлар кўмитаси аёлларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга ва вақтинча иш ўринлари барпо қилишга алоҳида эътибор қаратаётди. Туманда 185 минг аҳоли истиқомат қилади. Шунлардан 93 минг нафари хотин-қизлардир. Ҳозирги кунда туманда мингдан ортиқ хусусий тадбиркор, 15 нафар бош пудратчи ва 17 нафар фермер аёллар фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, бир йил олдин ташкил этилган «Мўминхон хожи қизи Одинабону» фермер хўжалиги фаолияти мактовга арзигуликдир. Бундан ташқари, фермер хўжалиги раҳбари ташаббуси билан А.Навоий, Улугбек, «Дехқонобод» ширкат хўжалигида, «Қуваун» ва «Қувадон» хўшасдорлик жамияти қошида тикувчилик цехлари очилиб, 100 дан ортиқ хотин-қиз муқим иш ўринларига эга бўлди.

Суратларда: (ундан) ёш чеварлар Мадина Исроилова, Нодира Хошимова ва хўжалик раҳбари Одина Холматова; ёш тикувчи Мадина Қуватова. М.КОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 16 июл, жума № 114 (1747)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.Қосимжоновни Амир Темур ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Шахмат бўйича 2004 йил жаҳон биринчилигида голибликни қўлга киритиб, халқимизга хос юксак интеллектуал салоҳият, мардлик ва жасорат намунасини амалда намойён этгани, Ватанимизнинг халқроқ майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шухратини бутун дунёга таранум этишга қўшган улкан ҳиссаси учун Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошент шаҳри, 2004 йил 14 июл

И.КАРИМОВ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайда этакдики, республикада ўқитувчи касбининг аҳамияти ва обрў-эътиборини ошириш, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш ва улар ҳаётининг моддий шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб борилмоқда. Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Бошланғич синфлар ўқитувчиларига ойлик устамалар, ўқитувчиларга синф раҳбарлиги, дафтарларни текширганлик, ўқув кабинетлари ва лабораторияларига мудирилик қилганлик учун қўшимча ҳақ белгиланди ва 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб уларнинг миқдори анча оширилди. Давлат таълим стандартлари таллашга мувофиқ ўқитувчилар учун педагогик юклама мақбуллаштирилди.

Шу билан бирга, ўқув ва тарбия жараёнига ўқитувчиларнинг шахсий улушини ҳолисона баҳолаш масаласи нисоятда мураккаб эканлигини ҳисобга олган ҳолда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умумий миллий дастурида олинган қўйилган вазифаларни ҳал этиш юзасидан ўқитувчилар ва методистлар меҳнатини баҳолаш механизмининг янада давом эттириш мўҳим аҳамиятга эгадир. Ўқитувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнига шахсий улушини аниқлашга ёндашувларни ишлаб чиқиш ва умумтаълим муассасаларининг қобилиятли, ўз касбига содиқ ўқитувчиларини моддий рағбатлантиришнинг самарали механизминини барпо этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Республика вилоятларида ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг кенг иштирокида ўқитувчиларнинг юксак касб малакасини ва уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига шахсий улушини ҳисобга оладиган ўқитувчиларни рағбатлантириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш масалалари муҳокама қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Республика педагогика жамоатчилиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2004/2005 ўқув йили мобайнида, 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб: умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ улуши, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун - ўқувчиларни тест синови натижалари бўйича аниқланган ўқувчиларнинг таълим стандартларини ўзлаштириб олиш даражасига қараб 25 фоизгача миқдорда; умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига улар томонидан тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишлар олиб борилганлиги учун - ўқувчиларнинг тўғриқилар ва секциялардаги мунтазам машғулотларга ва ижодий фаолиятга жалб этилиши даражасига қараб 15 фоизгача миқдорда; методика кабинетлари методистларига ўқув жараёнида фойдаланиладиган ўқув-методик материаллар ишлаб чиқишга, янги педагогика технологиялари жорий этишга, ўқитувчиларнинг илгор тажрибаси кенг ёйилишига қўшган шахсий улуши учун 25 фоизгача миқдорда тариф сеткасига ойлик махсус устамалар белгилаш бўйича эксперимент ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари тақлифларининг умумтаълим муассасалари ўқитувчилари ва методика кабинетлари ўқитувчилари ва методика кабинетлари ўқитувчилари тақлифларига устамалар белгилаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низоом тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2004/2005 ўқув йили январида бўлган муҳтабарлик таълим ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш принциплари ва механизми тўғрисида аниқ тақлифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА!

Ассалому алайкум муҳтарам Ислам Абдуғаниевич!
Шахмат бўйича Жаҳон чемпиони бўлишим муносибати билан менга йўллаган табригинизни катта ҳаяжон билан ўқиб қикдим! Бундай юксак эътибор учун Сиздан жуда миннатдорман. Қанчалик фахрланаётганимни сўз билан ифодалаш қийин. Сизга бир неча йил олдин, ўзингиз совға қилган компьютерда ёзган хатимда берган ваъдамни бажарганимдан беҳад хурсандман.
Мен бу ютқини устозларимнинг меҳнати ва албатта Сизнинг бевосита эътибор ва ғамхўрлигиниз натижаси деб биламан. Ва бу менга доимо куч-қувват беради. Шунинг учун ҳам бугун мен эмас -Ўзбекистон чемпиони бўлди, жаҳон шахмат тожиги мен эмас - бутун ўзбек халқи сазовор бўлди деб ҳисоблашингизни сўрайман. Мен айнан Мустақиллик йилларида шахматчи бўлиб танилдим. Олдин ҳам айтганимдек, истиқлол бўлмаганида мен қаерда эдим, бундай нуфузли мусобақалар қаерда эди. Мен ушбу галабамни энг улуг байрамимиз, Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлайман.
Сизга сиҳат-саломатлик тилаб, чексиз миннатдорлик билан ўғлингиз Рустам Қосимжонов.
Триполи, Ливия
2004 йил 14 июл

Ассалому алайкум муҳтарам Ислам Абдуғаниевич!
Шахмат бўйича Жаҳон чемпиони бўлишим муносибати билан менга йўллаган табригинизни катта ҳаяжон билан ўқиб қикдим! Бундай юксак эътибор учун Сиздан жуда миннатдорман. Қанчалик фахрланаётганимни сўз билан ифодалаш қийин. Сизга бир неча йил олдин, ўзингиз совға қилган компьютерда ёзган хатимда берган ваъдамни бажарганимдан беҳад хурсандман.
Мен бу ютқини устозларимнинг меҳнати ва албатта Сизнинг бевосита эътибор ва ғамхўрлигиниз натижаси деб биламан. Ва бу менга доимо куч-қувват беради. Шунинг учун ҳам бугун мен эмас -Ўзбекистон чемпиони бўлди, жаҳон шахмат тожиги мен эмас - бутун ўзбек халқи сазовор бўлди деб ҳисоблашингизни сўрайман. Мен айнан Мустақиллик йилларида шахматчи бўлиб танилдим. Олдин ҳам айтганимдек, истиқлол бўлмаганида мен қаерда эдим, бундай нуфузли мусобақалар қаерда эди. Мен ушбу галабамни энг улуг байрамимиз, Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлайман.
Сизга сиҳат-саломатлик тилаб, чексиз миннатдорлик билан ўғлингиз Рустам Қосимжонов.
Триполи, Ливия
2004 йил 14 июл

АМИР ТЕМУР РУҲИ ҚЎЛЛАДИ

Мустақил Ўзбекистонимизда эришилган оламшумул галабалар, муваффақиятлар жуда кўп. Бирок фидокор халқимиз, жумлажаҳон 2004 йил 13 июлни бир умр ёзда саклаб қолади. Чунки шу кунни Ўзбекистонлик иккидорли шахматчи Рустам Қосимжонов мамлакатимиз тарихида ҳеч ким эришмаган энг юксак унвонга сазовор бўлди. Жаҳон шахмат тожи ўзбек фарзандининг босди! Бу нақадар ажойиб, қалбларимизни жунбушга келтирувчи, фахр-ифтихорни жўш урдирувчи буюк галаба. Ахир эндиликда Стейннидан бошланғич шахмат бўйича жаҳон чемпионлари рўйхатида ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжоновнинг номи ҳам борлиги миллимиз, халқимиз қадр-қимматини янада оширади, барча-барчамизга куч-қувват, кўтаринкилик бағишлайди.

Қаранг, Ливия пойтахти олис Триполи шаҳрида жаҳоннинг 56 мамлакатидан келган 128 нафар энг кучли, мана-ман деган шахмат усталари иштирокатида ўтган гоғтада кескин ва табиқий машаққатли беллашувларда донна сурган Рустамжонга шубҳасиз соҳибқирон Амир Темур руҳи маддакор бўлган бўлса не ажаб. Жумлаи жаҳон кўз ўнгида ўзбек ўғлини мардлик ва жасорат фазилатларини намойён этди. Ва бу билан биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни ишонarli тарзда ёрқин намойён этди.

Ажойиб хушбахтарни касба уюшма вакиллари, спортчилари ҳам катта хурсандчилик, зўр кўтаринкилик билан қарши олдилар. Спортимизнинг буюк галабасига бағишланган йиғилишларнинг бирида кураш бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров шундай деди: Рустам Қосимжонов буюк аждодларимизга муносиб равишда тож кийган ўғлон. Унинг жасорати биз - касба уюшма спортчиларини ҳам (90 дан ортиқ спортчи) Афина олимпиадасида муваффақиятли қатнашишга илҳомлантириб туради.

Валижон КўЧКАРОВ, ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири, Шамсиддин ЭСОНБОВ, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшма Марказий кўмитаси раиси, Носирхон АКБАРОВ, Таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий кўмитаси раиси, Мирфозил ОЛИМОВ, Андижондаги «ЎздЭУавто» кўшма корхонаси касба уюшма кўмитаси раиси

4-бет

СИФАТ ВА СУРБАТ

Олмаликдаги «Аммофос» очик ақиядорлик жамиятида жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 131,5 минг тонна минерал ўғит тайёрланди.
- Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг мавқеи ишлаб чиқариш умумдорлигини ошириш билан бирга рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришига ҳам боғлиқ. Биз кейинги йилларда бозор муносибатларининг ана шу тамойилига амал қилаёلمиз, - дейди жамият бош муҳандиси ўринбосари Баҳодир Содиков.
Корхона мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун етказиб берилган фосфорли маддани казиб олиш ва қайта ишлаш йўлига қўйилди. Олмалик қимбегарлари асосан ана шу хомашў ҳисобига ишламоқда.
Корхонада махсулот турини кўпайтиришга ҳиддий эътибор берилляпти. Хусусан, минерал ўғитни қадоклаш учун полиэтилен пленкалари, гўзапоядан ёғоч толали плита ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Ўтган ярим йилда истеъмолчиларга 82 миллион сумлик махсулот етказиб берилди.
(ЎзА)

Мамлакатимизда содир этилган террорчилик ҳаракати беғуну одамларни ҳаётдан олиб кетди. Бу ҳунреликнинг жароҳати юракларда ҳали-хануз битмайди. Хушёрлик, огоҳлик, ўз уйимизни ўзимиз асраш зарурати янада ойдинлашди.

Ватанинг, элнинг тузини ичиб, тузинга тупурган муртадлар Юртбошимиз айтгандек, носоғлом оилада ўсган, жамоатдан ажраб қолган омади юришмаган кимсалар эканлиги энди маълум. Жамият, маҳалладошлар, ён қўшнилар эътиборидан четда қолганликлари боис, улар жиноят кўчасига кирдилар. Қуйида пушаймон, афсусу надоматлардан сўнг кўзи очилиб, халқимиз бағрига қайтган, ҳаётда ўз ўрнини топган кишилар ҳақида ҳикоя қиламиз. Мақолага Абдуҳалим Йўлдошевнинг бошидан ўтганлари асос қилиб олинди.

Қорасув шаҳри жаҳон бозоридаги чойхоналардан бири. Гала-говур, чойнак-пиёлаларнинг шарақлаши, бозорчиларнинг гурунги қулқоқа чалинади. Абдуҳалим патнисдаги ноини ушатиб, пиёладаги чойдан ҳўплашга чоғланаётганда рўпасида бир йигит пайдо бўлди. Ёшлигига қарамай, соқол қўйган, қўлида тасбеҳ.
Абдуҳалим унинг олдига патнисни суриб, чой узатди. Меҳ-

Исмоилжон ўзини унга яқин олиб, оиласидан гап очди. Абдуҳалимларга яқин маҳаллада яшашини, отасининг исми Исмоилжон эканлигини, отасига узоқ

Отанинг наздида, ўғлининг намоиш қилишга одат қилгани аниқ-са, маъқул тушди.
Баъзида Исмоилжон мезбоннинг уйда тунаб қоладиган, суҳ-

бат ярим кечгача чўзиларди. Гап «Қуръони Карим», Расулulloҳнинг ҳадислари ҳақида айланарди. Исмоилжон «Каломулло» дан парчаларни қироат билан ўқиркан, Ҳасанбой акага тез-тез нигоҳини қадаб қўярди. Ота уларнинг мулоқотига ўзининг ортиқча эканлигини меҳмон кўз қараш билан билдираётганини пайқаб қолди...
Бирда Ҳасанбой ака дераза ёнидан ўтаётди, узук-юлуқ сўзларни эшитди. Бу сўзлар Исмоилжоннинг оғзидан чиқиб-ётган эди. Гап пойлаш одобдан эмас, деб уйдан узоқлашди. Сўнгра, кампирга, ўғли меҳмоннинг чизган низиғидан чиқмай қолганлигини, ҳовлисига нотаниш кимсалар ташриф бу юраётганлигини, улардан гумонсиратиш ҳақида «тиш ёрди».

Огоҳликка даъват

Ўқитувчи келини Мухлисaxon чол-кампирнинг суҳбатини дахлзада эшитиб қолди. Бегоналарнинг уйларидаги тунги ўтиришларидан у ҳам шубҳага тушаётганлигини қайночасига айтмоқчи бўлди. Бироқ истиқола қилди. Қолаверса, қайночасининг Исмоилжон қорилар насабидан эканлиги, у туфайли оми Абдуҳалимнинг «кўр кўзи» очилиб намозхон бўлганлиги, шунингдек, тижорат ишлари гуллаб, «қорин тўйиб» турганлигини гапириб бобиллаб берганлигини эшитди-ю, шаштидан қайтди.
Тунги қировахонликларнинг бирида Абдуҳалим ҳам Исмоилжоннинг гапларидан, ҳаракатларидан хайратга тушди. Уша кунги машварат Исмоилжоннинг уйда жума намози баҳонасида ўтаётган эди. Яна алпақанди варақалар ҳақида пардали гаплар борди. Кейин ўтирганлар «Ҳизбут-таҳрир» аъзоси эканлиги айтилди.
Абдуҳалим адашиб хато йўлга кирганлигини, Исмоилжоннинг ниёти бузуқлигини, у «қоронинг узун ташлаб» тузоққа илтирганлигини маърақа, учрашувлар, намозга ўргатишлар бежиз эмаслигини тушуниб етди. Ярамас кимсалар

топшириқларини бажариб, жиноят кўчасига кирганди.
Отаси Ҳасанбой аканинг қуйиб-ёнганини айтмайсизми? Шўрлик ота Исмоилжон Қодиров, унинг қаторида ўғли Абдуҳалимнинг «Ҳизбут-таҳрир» оқимига қўшилганлиги боис устидан жиний иш очилганини тўсатдан билди қолди. Суд жараёнида Исмоилжоннинг ўзини қўй оғзидан чўп олманган, мусиқадек беозор кўрсатиб, ўйнаб ёшларни йўлдан урганилиги, ўз халқи юзига оёқ қўйганлиги аён бўлди. Ҳасанбой ака томошанин бўлиб қолганини, хушёрлик, сезгирликни қўлдан бой берганлигини, сўнгги пушаймон ўзига душман эканлигини, оқибатда ўғли адашиб, фасод одамлар қангалига тушганлигини тан олди.
Билмайин босдим тиконни, тортадурман дардини, дейдилар. Начора хушёрлик, огоҳлик қўлдан берилган, «товони» шунақа бўлади. 2003 йили «Ҳизбут-таҳрир» оқимининг таъсирига тушиб ўз халқига хиёнат қилган бир тўда қорасулик ёшлар суд ҳукми билан 16 йилга озодликдан маҳрум этилдилар.
Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишон» муҳбири

Бозор иқтисодиёти шароити қасаба уюшма ташкилотларидан иш услубини давр талабларига мос равишда қайта ташкил этиш, аъзоларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни тақозо этмоқда. Мана шу вазифани муваффақиятли ҳал этишда семинарлар, турли мавзуларда ўқув курсларини ташкил этиш, «Давра суҳбатлари» уюштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда Ўзбекистон ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари қасаба уюшма Марказий Кўмитаси томонидан ташкил этилган семинар ҳам шу мақсадда ўтказилди. Бошланғич ташкилотлар ва ҳудудий органларда ҳисобот-сайловларни ўтказиш, жойларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлашда қасаба уюшмаларининг вазифалари, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда жамоа шартномалари таъсирчанлигини кучайтириш масалалари йиғилиш катташчилари томонидан атрофлича муҳомада этилди.

Йирилганларнинг диққат марказида бўлажак ҳисобот сайловларни атрофлича ва тўлақонли ўтказиш масаласи турибди. Шу боисдан ҳам савол-жавоблар ниҳоятда жонли ўтди. Цех қасаба уюшма ташкилотиде қилинадиган ҳисобот маърузаси ким томонидан тайёрланиши ҳам кўпчиликини қизиқтирди. Тушунтиришлардан шу нарса маълум бўлдики, мазкур ҳисобот цех қасаба уюшма кўмитаси томонидан тайёрланади. Тафтиш комиссиясининг маърузаси конференцияга тасдиқ учун киритилиши лозим. Цех кўмиталари ва бошланғич ташкилотлар кўмиталарининг ҳисобот маърузаларини олдин шу органларнинг мажлисларида, тафтиш комиссияларининг ҳисобот маърузалари эса уларнинг мажлисларида муҳомада этилади ва тас-

Ҳисобот-сайловлар олдидан

қидан, музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, иккинчидан, уларни имзолаш ва рўйхатдан ўтказиш, учинчидан эса уларнинг ижросини таъминлаш ҳамда назорат қилиб боришдан иборатдир. Жамоа музокараларини олиб боришда икки томонлама, яъни иш берувчи ва қасаба уюшма кўмитаси вакилларидан иборат тенг ҳуқуқли комиссиялар шакллантирилади. Улар мазкур ҳужжатга киритилдиган так-

ҳимоялашдаги энг асосий вазифалардандир. Семинар-йиғилишда меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Унга биноан Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги қошида меҳнат муҳофазаси департаменти ва жойларда унинг бўлинмалари ташкил этилган. Ўзбекистон Халқаро Меҳнат Ташкилотига аъзо. Шу боис йиғилишда мамлакатимизда ратификация қилинган Халқаро Конвенциялар мазмунини ҳақида тушунтириш берилди. Имтиёзлар ва компенсациялар билан таъминланадиган қасблар рўйхатлари, унга янги қасблар киритиш тўғрисида фикр юритилди.

Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибининг жамоа шартномаларида белгиланган ва асосий эътиборни ходимни ишга қабул қилишда қасб турига қараб махсус тиббий кўридан ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги тақлифлар ҳам билдирилди. Махлусида жамоа шартномаларини лойиҳаларини малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда экспертизадан ўтказиш ва белгиланган тартибда рўйхатга олинишини таъминлаш, уларнинг таъсирчанлигини кучайтириш, қасаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ҳудудий семинарлар ўтказиб бориш ва шунга ўхшаш масалалар ҳақида ҳам келишиб олинди. Шунингдек, ҳисобот сайловларини ўтказишда бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам бериш каби ўта муҳим масалалар юзасидан тавсиялар берилди.


Неъмат РАДИҚОВ, «Ишонч» мухбири

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ЖАНГОВОР БЎЛСА

уюшмаларо вилотат конференцияларига делегатлар сайланади. Кўпчиликка маълумки, кейинги пайтда вакилликларда тафтиш комиссиялари фаолият кўрсатмапти. Чунки, улар сайланма орган эмас. Шунингдек, конференцияларда кўмитанинг ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботи (агар у бўлса), қасаба уюшма кўмитасини ҳамда тафтиш комиссиясини аъзоларини сайлаш, юқори ташкилот конференцияларига делегатлар сайлаш масалалари кўрилади.

Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда жамоа шартномалари муҳим рол уйнапти. Мазкур ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ва унинг яхши самара бериши учун йўналишда амалга оширилмоқда. Бирин-

лифлар устида ишлайдилар. Бунда асосан корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий қуввати, молиявий ҳамда ташкилий имкониятлари, истиқболли режаларига аҳамият берилди. Жамоа шартномасининг асосий мазмунини иш ва дам олиш вақти, ҳақ тўлаш, меҳнат шартномаси ва бандликни таъминлаш, муҳофазани қилиш, ижтимоий имтиёзлар ва шу каби бошқа бўлимлар ташкил этади. Мазкур ҳужжатнинг амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига ҳамда тегишли тармоқ келишувларига мувофиқ ҳолда тузилишини таъминлаш, уларнинг ижросини мунтазам равишда таҳлил ва назорат этиб бориш, бу борадаги ижтимоий шеркчиликни ривожлантириш омилларидан оқилона фойдаланиш меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий



«Наманганавтойўл» қурилиш ҳудудий шўба ташкилотиде умумфойдаланувидеги автомобил йўллари тармоғини ривожлантириш ва тақомиллаштириш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича катта ҳаммадга ишлар амалга оширилмоқда. **Суратларда: кўприк ва йўллардан фойдаланиш автотўли корхонаси ҳаёти ва кўприк қурилишидан лавҳалар.** **И.ХАСАНОВ олган суратлар**

ФЕРМЕР компьютер тўхта этди

Хива туманилик уста фермер Отабой Оллобергановни кўпчилик бағрикенг, саволатли инсон сифатида ҳармат қилади. Негаки, у кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашдан ташқари тумандаги 18-урта умумтаълим мактабига ҳам доимий равишда хомийлик қўмағини кўрсатиб келмоқда. О.Оллоберганов ўтган ўқув йили бошда ўзи раҳбарлик қилаётган балиқчилик фермер хўжалиги даромади ҳисобидан мактаб ўқувчиларига спорт кийимлари ва анжомлари олиб берган эди. Бундан таш-

қари, ўнлаб ўқувчи ёшлар йил давомида фермер томонидан таъсис этилган махсус стипендия билан таъминланди. Саҳий фермер яқинда яна бир хайри ишга қўл урди. Мактабни таъмирлаш учун 500 миң сўм ажратди. Худди шунингдек, ўқувчиларга энг сўнги нусхадаги компьютер ҳам совға қилди. **Мираббос РУСТАМОВ**

Сайёҳлар ҳавас қилишиди

ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШГАН

Ҳа. Бухоро дунё билан бўйлашган шаҳарлардан бири. Бу ердаги улугвор гўмбазлару минораларни, масжиду мадрасаларни, кадимий кўчаларни кўриб гўзал ва афсонавий шаҳар эканлигига яна бир қарра амин бўласиз. «Шахристон» бозори шулардан бири. «Шахристон» аслида қадим шаҳарнинг узвий бир бўлаги, - дейди, МЧК раиси Шароф Шарипов. - Унинг ҳудуди 1 гектару 17 сотихни ташкил этади. Бозорда 20 дан ортиқ доимий савдо нукталари ҳамда 230 га яқин пештахталар бўлиб, улар орқали аҳолига турли ўлчовдаги гиламлар, ҳам хоризда, ҳам ўзимизда тайёрланган меҳнатлар, заргарлик ҳамда атторлик маҳсулотлари сотилади. Расталар оралиғида дам олиш жойлари мавжуд. Бозор ҳовлисида барпо этилган фаввора бу ердаги ҳавони мўътадиллаштириб туриш учун хизмат қилмоқда. Харид қилиб олинган буюмларни махсус транспорт воситалари ёрдамида хариддорнинг уйига етказиб бериш имкониятлари ҳам яратилган. Бундан ташқари, шаҳарнинг исталган нуктасидан бу ерга етиб келиш учун аҳолига йўналишли таксилар ҳам хизмат кўрсатиб турибди. Истиқлол туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилди. Натижада бозорларимизда халқ истеъмол моллари ва кундалик эҳтиёжга асосланган маҳсулотлар тури тобора кўпаймоқда. Сифат ўзгаришлари кузатилиб, буюмлар нарҳнавоиси арзонлашаёттир.

Ҳа, йилдан-йилга кўркамлашиб, шарқона андозалар асосида сайқаллашиб бораётган мазкур мас-

Усмон СОЛИХ ўғли, «Ишонч» мухбири

Кичик ва хусусий тадбиркорлик – тараққиёт таянчи

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириб, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдирив ва четга долзарб масала бўйича Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилади. Хусусан, кишлоқ хўжалиги тармоқларидан бўшган ишчи кучини саноат соҳаларига йўналтирилади.

Даставвал, бу борадаги ички имкониятлар урганилиб, тадбиркорликни молиялаштириш ва уларга зарур шароитлар яратиб беришга эътибор қаратилди. Масалан, жорий йилнинг шу кунигача бўлган даврдаги сарҳисобига кўра, «Пахта банк»нинг ўзиде 7946 та субъект шаклланиб, уларнинг асосий қисми эса саноат ишлаб чиқаришига йўналтирилди. Бизнес-режа асосида ўз фаолиятини бошлаган Беруний туманидаги «Мақсуд» фермер хўжалиғида четдан усқунлар сотиб олиниб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эндиликда фермернинг савий-ҳаракати билан барча кишлоқ ва овулларга сифатли нон маҳсулотлари етказиб берилаётти. Муҳими – корхона ишга тушганда, 30 нафардан зиёд ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Улар қайта малакалаштирилиб, хунарга ўргатилди. Кишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам тадбиркорнинг олиб бораётган ишлари ибратли. Мустақиллигимизнинг


ОРТИҚЧА ИШЧИ КУЧИ саноат корхонасига

13 йиллиги олдидан маҳсулот сотиш ҳисобига қарийб икки миллион сўмлик соф даромад қўришга эришилди. Ана шу фойда ҳисобидан тадбиркор беш нафар кам таъминланган кишиларни ўз оталиғига олган. Хусусий тадбиркорлик тараққиёт таянчи, деганлари бежиз эмас экан. Биргина Қорақалпоғистонда бу масалага жиддий эътибор қаратилганлиги боис, минглаб кишилар доимий иш ўринларига эга бўлишди. Барча турдаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ҳам, харидори ҳам ортмоқда. Яна мисолларга эътибор қаратасак, Тўртқўл туманидаги «Матлуботсавдо» ҳиссдорлик жамияти бир пайтлар нафақат туманда, балки республикада ҳам ўзига хос ўрин тутиб келганлиги-

ни бу ердагилар яхши билишади. Бирок у бозор шароитига мослашолмади. Иزلаниш ва тадбиркорликнинг етишмаслиги ишлаб чиқаришда ва жамоани ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга панд берди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан унинг ўрнига «Гулнур» хусусий

маҳсулот ишлаб чиқаришди. Сарф-харажатлардан ташқари 3 миллион 417 миң сўмлик соф даромад олинди. Фирма раҳбари Мақсуд Жуманиёзовнинг таъкидлашича, меҳнат умумдорлигининг ошишига асосий омиллардан яна бири – уларга яратилган шарт-шароит ва моддий рағбатлантиришнинг йўлга қўйилганлиғидир. Ишлаб чиқаришга янги технологияларни киритилганлиги цехларнинг меъёрий ишлашини таъминламоқда. Биргина Тўртқўл туманининг ўзиде ҳозирга келиб кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шугулланувчи субъектлар сони қарийб бир ярим миңдан ортиб кетди. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат Қорақалпоғистон Республикасида, балки кўшни давлатларда ҳам ўз харидорларини топаётти. Бу эса ўз навбатида туманда аҳолини ижтимоий муҳофазани қилиш ва кам таъминланган, боқувчисини йўқотган билаларни моддий ва маънавий қўллашга имкон бермоқда. Аникрок қилиб айтидиган бўлсак, ҳозирги кунда ижтимоий муҳофазани йўналтирилаётган маблағнинг 48 фоизи ишбилармонлар улўшига тўғри келаётти.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири



Қақшадарё вилотат юқумли касалликлар шифохонасиде халқ саломатлигини сақлаш, тиббий хизмат савиясини юқори даражага кўтариш борасиде бир қатор ибратли ишлар амалга ошириляпти. Бунда шифохонанинг малакали шифокорлари ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Олий тоифали шифокор Гулираёно Амиркулова ўз соҳасининг билимдонини, жонқуяр тиббиёт ходими сифатида жамоада обрў-эътибор қозонган. Зеро, у ўзининг ширин сўзи билан ҳам беморлар дардида даъво бўляпти. **Суратда: (ўнгда) олий тоифали шифокор Г.Амиркулова ҳамкасблари У.Жўраев ва О.Халиловалар билан галдаги вазифалар тўғрисида суҳбатлашмоқда.** **А.ХУДОЁРОВ олган сурат**

Муаммо ечимини кутади

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва дастурхонимиз тўқинлигини таъминлашда кишлоқ хўжалигининг аҳамияти катта. Шу боис дехкон-фермерлар фаолиятини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, кишлоқ жойларида яшаб, дехкончилик билан шугулланаётганларга кенг имкониятлар яратиб бериш буғунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Лекин жойларда ушбу соҳанинг ривожланишига бепасандлик билан қараётган ҳам йўқ эмас. Уларнинг эътиборсизлиги туфайли дехкон-фермер хўжалиқларининг эркин фаолият юртишга-қалал берувчи ҳолатлар учраб турибди. Шўвот туман ҳокимининг қарорига асосан жорий йил бошда фермерлик фаолиятини бошлаган Йўлдош Матосупов 10 гектар ерга эрта баҳорданок чигит қадаб, унинг униб чиқишини интиқлик билан кутди. Аммо ҳадеганда ниҳолдан дарак бўлавермагач, иккинчи марта қайта эқди. Бу сафар ҳам натижа фермер кутганидай бўлмади. Далада у ер-бу еридан барилмоқ билан санарли ниҳол буй кўрсатди. Сабаб тупроқда намлик етishмаётган эди. Ҳозир аини жазирама ёз палласи, экинлар ҳосил тўплайдиган пайт. Зарарли хашаротлар ҳам учрапти. Сувга ташна гўза ниҳоллари обихаётдан баҳраманд

ки, йиғилган пул камлигидан аҳвол яхшилангани йўқ. Бугун Шўвот туманининг «Гулистон» ширкат хўжалиғига қарашли 3-бўлим далалига, тўтўро экинзорларига разм солинадиган

бўлиш илинжида базўр барг ёзиб турибди. Аҳвол шу тарзда давом этверса, фермер «Пахта банк»нинг Шўвот туман филиалидан олган кредитни қайтариши амри маҳол. Сир эмас, кишлоқ аҳлининг даромади ҳисолдан, бирок 130 дан ортиқ хонадонда яшаётган аҳоли бир неча йилдирик, сув муаммосини бошдан кечириб келишмоқда. Боиси ўзоқ йиллар мобайнида атрофдаги бўлимлар билан бирга аҳоли ҳам шу арикдан сув ичиб келаятган эди. Эндиликда қўшнилар ўз худудидан ўтган арик ўзларини таъминлаш имконигагина эга бўлганлиги учун 3-бўлим аҳолисига сув беришни тўхтайти қўйишди. Ниҳоят аҳолидан маблағ тўпланди ва янги насос ўрнатилиб, арик қазилди. Афсус-

Роза САЙДАХМЕДОВА, «Ишонч» мухбири

Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқий манфаатларини муҳофазалаш, спорт-соғломлаштириш каби бир қатор муҳим масалалар бугун қасаба уюшмалари олдиде турган долзарб вазифалардан саналади.

Энг оммавий жамоат ташкилотининг иш самардорлиги бошланғич қасаба уюшма кўмиталари фаолиятига бевоиста чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларида ходимлар ижтимоий муҳофазаси, қўлай иш ва дам олиш шароитлари, шунингдек, спорт-соғломлаштириш масалаларини борасида маъмурият билан қасаба уюшма кўмитаси ҳамкорлиғида амалга оширилган ишлар белгиланган раёсат йиғилишларида таҳлил қилиб боришмоқда. Зарур масалахлар, амалий ёрдам бериляпти. Бундан ташқари, қасабақўм раислари ва фаолларининг ҳуқуқий, маънавий билимларини ошириш мақсадида улар иштирокида бир нечта ўқув ўтказилди. Бундай савий-харакатлар, албатта ўз самарасини бераётти. Қасаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш доимо диққат-эътиборимизда. Тармоқ ходимлари қасаба уюш-

Касаба уюшма ёрдамга келди


лаиб қолган 20 нафар фахрий ходимларимизнинг кўнгли сўралди. Биттасига эса туман ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ногиронлик аравачаси олиб беришди. 1 юни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан 100 нафар жажжи ўғил-қизга соғва-салом тарқатилди. Ходим соғ-саломат бўлса, ишда унум, барака бўлади. Шунинг назарда тутиб ходимларимиз ҳамда уларнинг фарзандларини жисмоний тарбия ва спортга кўпроқ жалб қилиш, соғломлаштириш ишларини юқсак савияда ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Мурот ойининг сўнги кўнларини бўлиб ўтган тармоқ спартакиада-

бердик. 1 юни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан 100 нафар жажжи ўғил-қизга соғва-салом тарқатилди. Ходим соғ-саломат бўлса, ишда унум, барака бўлади. Шунинг назарда тутиб ходимларимиз ҳамда уларнинг фарзандларини жисмоний тарбия ва спортга кўпроқ жалб қилиш, соғломлаштириш ишларини юқсак савияда ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Мурот ойининг сўнги кўнларини бўлиб ўтган тармоқ спартакиада-

Эшпарда НИЁЗОВ, Гузур туман таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма кўмитаси раиси

НОҚОНУНИЙ БЎШАТИЛГАНЛАР ўз ўрнига қайта тикланди

қил қилинаётган тадбирларда кўп йиллар соҳада фидойиллик билан меҳнат қилган, ҳозирда қарилки гаштини сўратган фахрийлар, шу билан бирга ногиронлар ҳам кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш яхши анъанага айланган. Бу йил ҳам бу анъана давом эттирилди. Чўнони, Халқаро хотин-қўзилар байрами арафасида 40 нафар муаллимага кўмитамиз совғалари топширилди. Хотира ва Қадрлаш кўнида тақдир тақозоси билан тўшакка миҳ-



19-25 июл
